ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.8(083.132)
КБК: 67.400.5
С 22

С 22 **Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма.** – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:
Қ.Қуранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, Х.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8 **УЎК: 342.8(083.132)**
КБК: 67.400.5

Тузувчилар: *Ш. Файзиев, Х. Мухамедов, А. Йўлдошев, Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков, Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев, Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов*

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021
© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021

Даврон Бекчанов, юридик фанлари номзоди

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ БИЛАН ИШЛАШ

Сайловчилар рўйхатини тузиш, рўйхат билан сайловчиларни таништириш ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этиш

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайловчилар рўйхатини тузиш муҳим ўрин тутади. Сайловда овоз бериш ҳуқуқининг таъминланиши мазкур тадбирнинг тўғри амалга оширилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига биноан, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили қайд этилади.

Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади. Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкалар бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

Чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республика сининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларнинг уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни текширади ва фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурсидир.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизида шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комиссиялари томонидан аниқлаштирилади.

Ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан кейин уч кун ичида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида тақсимланган

мазкур участка сайловчиларининг дастлабки рўйхатини олади. Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини олганидан кейин уни мазкур участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш йўли билан аниқлаштириш чораларини кўради.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш бўйича ишда иштирок этиш учун жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

Сайлов комиссиялари аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш натижалари бўйича сайловчининг Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзилига оид тузатишлар қилиб, сайловчилар рўйхатларига ўзгартишлар киритиши мумкин.

Сайловчиларнинг рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ҳамда унинг раиси ва котиби томонидан имзоланади. Сайлов куни сайлов участкаларида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан олинган сайловчилар рўйхатларидан фойдаланилади.

Сайловчилар рўйхатини тузиш масаласининг муҳим демократик белгиларидан бири – фуқароларнинг сайловчилар рўйхати билан танишиш имкониятининг мавжудлигидир. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъминланади.

Чет давлатларда турган фуқароларга сайловчилар рўйхатидаги ўзига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали ҳам таъминланади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш

жойларида тузилган участкаларда эса, сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида хабардор этади. Сайлов комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилганидан кейин ҳам уларга ўзгартишлар киритиши мумкин. Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади.

Ҳар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт. Участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати

Ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг сайлов жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 15 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 630-сон қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси сайловчилари нинг ягона электрон рўйхатини (кейинги ўринларда СЯЭР) шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

СЯЭР Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган (шу жумладан сайлов куни), доимий ёки вақтинча яшаш манзилига эга бўлган, муомалага лаёқатли, оғир ва ўта оғир жиноятлари учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланмаётган фуқаролари киритиладиган давлат ахборот ресурси.

СЯЭРга киритилган сайловчи фуқароларнинг шахсий маълумотларидан иборат бўлган ахборотлар билан ишлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайловчи фуқаро ўзи бириктирилган сайлов участкаси, манзили ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини киритиш йўли билан МСК расмий веб-сайтининг электрон кар-

тасида сайлов участкасининг жойлашуви (дислокацияси)га оид ахборот билан танишиши мумкин.

СЯЭР ҳар олти ойда бир марта, сайлов кампанияси даврида эса МСК томонидан ДПМ ва оператор билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвалга мувофиқ янгиланади.

Ваколатли органлар ДПМга маълумотларни электрон шаклда жисмоний шахснинг идентификация рақамини (агар мавжуд бўлса), паспорти (агар фуқаро чет давлатда бўлса, хорижга чиқиш паспорти ёки дипломатик паспорти) ёки иденцификация ID-картаси серияси ва рақам, туғилган санаси (йййй.оо.кк), жинси, миллати, фамилияси, исми ва отасининг исмини (давлат тилида, лотин ёзувида) кўрсатган ҳолда фуқароларнинг яшаш жойи манзили (давлатлар, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманлари, аҳоли пунктлари ва кўчалари, кадастр рақамлари,улар жойлашган манзили ва геолокация (геокод) тўғрисидаги маълумотларни эса ДПМ ва Оператор билан келишилган маълумотномалар) асосида юборадилар.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ)

Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (кейинги ўринларда СЖБАТ деб аталади) воситасида шакллантирилади ва унинг таркибига киради.

Марказий сайлов комиссияси СЖБАТ ва унинг таркибига кирувчи СЯЭРнинг эгаси ҳамда СЖБАТва СЯЭРни янада такомиллаштириш бўйича буюртмачи ҳисобланади.

СЖБАТнинг асосий вазифалари:

хавфсиз алоқа каналлари бўйича идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш орқали СЯЭРни шакллантириш жараёнини автоматлаштириш;

рўйхатларга тузатиш киритиш имконияти билан сайлов участкалари бўйича сайловчи фуқароларни тақсимлаш воситаларини тақдим этиш;

сайловчи фуқароларга ўз сайлов участкаларига оид ахборотлар билан танишишга ва сайлов участкасини ўзгартиришга сўровнома юбориш имконини бериш;

СЯЭРда сақланадиган маълумотлардан фойдаланувчиларнинг фойдаланиш ва сайлов участкалари бўйича рўйхатларга тузатиш киритиш ҳуқуқларини тақсимлаш ҳисобланади.

СЖБАТ «Ўзбектелеком» АКнинг маълумотларни қайта ишлаш марказида белгиланган тартибда жойлашади.

МСК ва тегишли сайлов комиссияларининг СЖБАТдан фойдаланиш имкониятлари «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

СЖБАТда сайлов комиссияларининг масъул ходимлари идентификацияси авторизация ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги СЖБАТ оператори ҳисобланади.

Операторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

СЖБАТни яратиш, янада такомиллаштириш ва унга техникавий хизмат кўрсатиш;

СЖБАТнинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

СЖБАТни идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш;

СЖБАТнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Қорақалпоғистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиялари СЖБАТдаги тегишли ҳудуд бўйича сайловчи фуқаролар рўйхатидан фойдаланиш имкониятига эга.

Сайловчи фуқароларни рўйхатлар бўйича тақсимлаш СЖБАТда округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкаларининг белгиланган чегаралари доирасида амалга оширилади. Бунинг учун СЖБАТда сайловчи фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари ва кўчалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналари бўйича тақдим этилади.

Сайлов участкаларининг сони ёки чегаралари ўзгарган тақдирда участка сайлов комиссияси 24 соат мобайнида СЖБАТга тегишли ўзгартиришларни киритади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобланади.

СЯЭРни шакллантиришда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига, Кўчмас мулк объектлари ягона реестри

ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрига мувофиқ, сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойларининг манзиллари тўғрисидаги ягона ахборотдан фойдаланилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатнинг бутун ҳудудида Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланишда ягона технологик ёндашувни, шунингдек, уларнинг ҳудудларда самарали ишлашини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектларининг ягона реестрини юритиш учун жавобгар орган ҳисобланади;

«UNICON.UZ» – «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари» ДУК Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратиш, янада такомиллаштириш ва унга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади, шунингдек, унинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш фаолияти бўйича умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Сайлов кодекснинг 27-моддасида сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилиши белгиланган.

Назорат учун саволлар

1. Сайловчилар рўйхати сайловга неча кун қолганда танишиш учун эълон қилинади?
2. Сайловчилар рўйхатига сайловчининг қайси маълумотлари киритилади?
3. Сайловчилар рўйхати тўғрисидаги маълумот қаерда эълон қилинади?
4. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати нима?
5. Сайлов жараёнини бошқаришда ахборот тизими нима?
6. СЖБАТ ва унинг таркибига кирувчи СЯЭРнинг эгаси ким?
7. Қайси ваколатли давлат органлари ДПМга тегишли маълумотларни электрон шаклда тақдим этадилар?
8. СЖБАТ оператори ким?
9. Масъул идоралар ДПМга жисмоний шахс тўғрисидаги қайси маълумотларни тақдим этади?
10. Қайси ташкилот сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратиш, янада такомиллаштириш ва унга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади?

Сайлов участкасида ҳозир бўлган ички ишлар ва миллий гвардия ходимларига нималар тақиқланади?

A) B,C ва D жавоблар тўғри

B) Сайловчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига таъсир ўтказиш

C) Сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш

D) Бирон-бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш

Ички ишлар ва Миллий гвардия органи ходимлари сайловчилар улардан ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраганда улар қандай йўл тутиши керак?

A) Агар ички ишлар ва миллий гвардия ходими маълумоти бўйича юрист бўлса ёрдам беришга ҳақли

B) Фақат сайлов билан боғлиқ масалалардагина ички ишлар ва миллий гвардия ходими сайловчиларга ёрдам кўрсатиши мумкин

C) Ички ишлар ва миллий гвардия ходими сайлов кодекси талабларидан келиб чиқиб участка салов комиссияси рухсат берса ёрдам бериши мумкин

D) Уларнинг ҳаққи йўқ, бундай ҳолатда улар сайловчиларни участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирига жўнатади

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини таъминлашга масъул органлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Прокуратура, суд ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

B) Сайлов комиссиялари, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари

C) Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари

D) Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари

Жамоат тартибини таъминлашга масъул органлар ўз хизмат вазифасини бажаришда кимлар билан ҳамкорлик қилиши қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Марказий сайлов комиссияси билан

B) Бошқа давлат ва халқаро ҳамда миллий кузатувчилар билан

C) Участка сайлов комиссиялари билан

D) Сиёсий партиялар билан

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Расмий нашр

Муҳаррир
Зуҳриддин Қудратов
Рассом-дизайнер
Жамшид Ғофуров
Компьютерда саҳифаловчи
Хуршид Холиёров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
Нашр. лиц. AI № 032, 29.10.2019.
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.
Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47
Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz
e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 16.03.2021 й.
Қоғоз бичими 60x90 $^{1}/_{16}$. «Antiqua» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 23,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 22,0. Адади 1000 нусха.
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

“O‘zbekiston” NMIU MCHJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий-30.